

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖИ**

Н.Ю. ЖҮРАБОЕВ,

Тошкент давлат транспорт университети, доценти

**Аннотация**

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда автомобиль саноатининг шаклланиши, ривожи, ишлаб чиқарishнинг маҳаллийлаштириш, экспорт бозори ва автомобиль саноатининг истиқболи масалалари "GM Uzbekistan" корхонаси мисолида ёритиб берилган.

**Аннотация**

В статье освещаются вопросы формирования и развития, локализация производства, экспорт рынка и дальнейшее развитие автомобильной промышленности в годы независимости Узбекистана на примере "GM Uzbekistan".

**Abstract**

In this article, the problems of formation and development , localization of production, export of the market and further development of the motor industry during the years of independence of Uzbekistan are revealed on the example of GM Uzbekistan.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳномалигида юртимизда автомобилсозлик саноатига асос солиниши халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган энг катта ютуқларидан биридир. Бу, айтишга осон ва айни чоғда, айтишга арзигулик воқеа. Зеро, эскича Қўқон аравасидан янгича Асака автомобилигача бўлган оралиқда улкан тарихий давр ётади. Биз, бу ўринда Қўқон араваси ҳақида эмас, балки, айнан, Асака автомобили ҳақида бир оз тўхтамоқдамиз.

Маълумки, мустақил Ўзбекистонда миллий автомобилсозлик саноатини ташкил этишга доир дастлабки фикрлар Биринчи Президентимизнинг 1992 йил июнь ойида Жанубий Корея Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги хужжатларда тилга олинган эди. Шу асосда, кейинроқ, Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо қилишга келишиб олинди ва 1992 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Селхозмаш" концерни ва "ДЭУ корпорейшн" корпорацияси билан ҳамкорликда "ЎзДЭУ авто" қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида"ги тарихий қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхонани ташкил этишга доир ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ Жанубий Корея томонидан "ДЭУ" корпорацияси, Ўзбекистон томонидан "Ўзавтосаноат" уюшмаси унинг таъсисчилари этиб белгиланди. Келишувга кўра, барпо қилинаётган корхона "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси деб юритиладиган ва ҳар икки томон улуши 50 фоиздан деб белгилаб олинди. Шундай қилиб, 1993 йил март ойида Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи завод – "ЎзДЭУавто" номи билан рўйхатга олинди ва Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги прицеплар ишлаб чиқариш корхонаси негизида уни қуришга киришилди. Лойиҳа ишлари асосан "ДЭУ инженеринг" ва "Ўзоғирсаноат" фирмалари томонидан амалга оширилди. Лойиҳа қувватига кўра йилига 200 минг( ўрта синфли "Нексия"

автомобиллари – 100.000 дона, “Тико” автомобиллари – 50.000 дона, “Дамас” автомобиллари – 50.000 дона) автомобиль ишлаб чиқара оладиган бу улкан иншоотнинг умумий қиймати 658 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Республикализнинг Биринчи Президенти И.Каримов 1996 йил 19 июлда мазкур қўшма корхонани ишга туширишга бағишлиланган тантанали йиғилишда иштирок этиб, ўз нутқида қурувчилар меҳнатига юксак баҳо берди. Шу тариқа, ушбу сана – 19 июль республикамизда ўзбек автомобиль саноати ташкил этилган кун сифатида мустақиллик солномасидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистон енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи жаҳондаги 28 мамлакат қаторига қўшилди. Шу пайтлардан бошлаб кўчаларимизда “Тико”, “Дамас”, “Нексия” русумидаги замонавий автомобиллар ҳаракати бошланди(1).

Завод 1996 йилда 25 мингта, 1997 йилда 69 мингта автомобиль ишлаб чиқарган бўлса, 2008 йилга келиб унинг конвейрларида тайёрланган машиналар сони 1 миллионга етди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи бўғинига айланиб бораётган мазкур заводда 1996-2016 йиллар давомида 2 млн. 674 минг 731 та автомобиль ишлаб чиқарилган(2).Бугунги Ўзбекистоннинг автомобиль саноати мукаммал асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўнлаб замонавий корхоналар тизимидан иборат. Улар энг юксак жаҳон андозалари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни тез ва янги турларига муқобил мослаша олиш имконини беради. Шунингдек, локализация дастури доирасида автомобиллар учун зарур қисмлар ва бутловчи деталларни ишлаб чиқарувчи қатор корхоналар (“Ўз-Карам-Ко”(1995 й.), “Ўз-Тонг Хонг Ко”(1995 й.), “Ўз-Донг Жу Пекнит Ко”(1996 й.), “Ўз-Донг Янг Ко”(1996 й.), “Ўз-Донг Вон Ко”(1996 й.), “Ўз-Се Мюнг Ко”(1996 й.) ва бошқалар)да электрон жиҳозлар, бамперлар, прибор панеллари, ўриндиқлар, герметиклар, саноат бўёқлари, салоннинг ички қоплаш қисмлари, глушитель, зарбга қарши балкалар, ёнилғи баклари тайёрланмоқда. Шу билан бирга, 1998 автомобиль ойналари ишлаб чиқарувчи “Автоойна” ОТАЖ, аккумуляторлар ишлаб чиқарувчи “ЎзЭксайд” ҚҚ, 2009 йили Асака шахрида глушителлар ғилофи, трубалар ишлаб чиқарувчи “Автокомпонент” ОАЖ, 2009 йили Наманган шахрида ташқи ёритиш тизимларини ишлаб чиқувчи “ЎзКасис” ҚҚ, Тошкент шахрида ички ёнув двигателлари ишлаб чмқувчим “ЖМ Повертрейн-Ўзбекистон ҚҚ”, Андижон шахрида автомобиллар учун шасси узеллари ва ғилдирак дисклари ишлаб чиқарувчи “Ўз.Авто-Аустен” ҚҚ, 2010 йили Қўқон шахрида штампланган деталлар ишлаб чиқарувчи “Автосаноат компонент” МЧЖ, Навоий вилоятида автомобиль симларини ишлаб чиқарувчи “ЎзИрае Кейба” ҚҚ, автомобиль таркибий қисмларини ишлаб чиқарадиган “ЎзМинди” ҚҚ, 2012 йили Андижон шахрида автомобиллар учун иситиш ва кондиционер тизимлари ва радиаторлар ишлаб чиқарувчи “ЎзИрае контроль” ҚҚ, Фарғона вилоятида автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи “ЎзСангву” ҚҚлари ишга туширилди(3).

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, агар айни пайтда “GM Uzbekistan” АЖда 10.000 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, юқорида номлари қайд этилган ва бошқа бутловчи қисмларни етказиб берувчи корхоналарда 20.000 киши доимий иш билан банд. Корхона миқёсида маҳаллийлаштириш кўлами эса 2016 йилда 49,2 фоизга, 2017 йилда 50,4 фоизга етган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткични 77,4 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Маълумки, жаҳон автомобиль индустряси бозорига дадил кириб бориш ва кучли рақобатга бардош бериш мушкул вазифа. Замон талаби ишлаб чиқарилаётган автомобиль моделларини янгилаб, сифатини мутассил ошириб боришни тақозо этади. Шу боис 2001 йилда корхонанинг

“Матиз” русумли автомобили тақдимоти ўтказилиб, уни оммавий ишлаб чиқарилиши бошланди. 2002 йили “Нексия ДОҲС” автомобили, 2003 йилдан эса автоматик узатиш кутичасили “Ласетти” ишлаб чиқарила бошланди.

Ўзбекистон авtosanoati 2008 йилда янги ҳамкор ва салоҳиятли инвестор – “General Motors” корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака автомобиль заводида эндилиқда “Chevrolet” русумидаги “Lacetti”, “Captiva”, “Еріка” автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди. 2010 йилнинг август ойидан бошлаб эса, “GM - Uzbekistan”нинг янги русумдаги “Chevrolet Spark” автомобили харидорларга тақдим этилди. Келаси йили сиқилган табиий газ билан юрадиган “Lacetti” русумидаги автомашиналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 2013 йилдан эса “Nexsiya” синфига мансуб янги моделдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқариш бошланади. Маълумки, шу йилнинг кузида Тошкент вилоятида Марказий Осиёда ягона ҳисобланувчи “General Motors Powertrain Uzbekistan” мотор заводи ишга туширилиб, унда автомобиллар учун двигателлар тайёрлана бошланди.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ экспорт ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Рақамларга мурожаат қиласидаги бўлсақ, 2010 йилда “GM Uzbekistan” ишлаб чиқаришини 6,2 фоизга ошириб, уни йилига 217.733 тага етказди. Шундан, 145.151 та енгил машина мамлакатимизнинг ўзида сотилган бўлса, қолган 70 мингдан зиёди чет эл бозорларида сотилди. “GM Uzbekistan” қўшма корхонаси 2010 йилда ташқи бозорларга жами 476,3 млн. долларлик автомобиллар экспорт қиласидаги бўлса, 2009 йилги кўрсаткичдан икки баравар кўпdir. Ёки 2011 йилнинг биринчи чорагида Россия бозорига энг кўп автомобиль экспорт қиласидаги мамлакатлар – Япония (59, 96 мингта), Германия (19, 55 мингта), Жанубий Корея (18.47 мингта) ва Буюк Британия (17,08 мингта) бўлган бўлса, улар қаторида Ўзбекистон нуфузли учинчи ўринни (18,62 мингта) эгаллади.

2010 йили “Нексия” моделимиз Россияда энг харидоргир хорижий автомобили бўлган бўлса, “Chevrolet Spark” эса, 2011 йил Россияда “Йил автомобили” танловининг “Энг яхши шаҳар автомобили” номинациясида ғолиб бўлди. 2011 йил мобайнида Россияда 54567 та “Нексия”, 38211 та “Матиз” ўз харидорини топди. “GM Uzbekistan” Россия автомобиль бозорида ўнинчи ўринни эгаллади.

Дарҳақиқат, МДҲ давлатлари ичida Россия авtosanoatimiznинг энг муҳим экспорт бозори бўлиб қолмоқда. Масалан, 2009 йилда “ЖМ-Ўзбекистан” корхонаси Россияда 51,4 мингта автомобиль сотди. Расмий диллерларнинг маълумотларига қараганда, шундан 28,2 мингтаси “Нексия” ва 23,2 мингтаси “Матиз” моделларига мансубdir.

“GM Uzbekistan” қўшма корхонаси 2010 йили ташқи бозорларга жами 475,3 млн. долларлик автомобиль экспорт қиласидаги бўлса, 2009 йилги кўрсаткичдан икки баравар кўпdir. Асакадаги автомобиль заводининг асосий экспорт моделлари бу гал ҳам асосан “Нексия” ва “Матиз” ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, “GM Uzbekistan” Россия ва МДҲ мамлакатларидағи диллерлари билан Шевролет Спарк автомобилини етказиб бериш бўйича ҳам шартнома имзолади.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ экспорт ҳажми ҳам ортиб борди. 2010 йилда “GM Uzbekistan” ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ошириб, 217.733 мингтага етказди. Шундан, 145.151 мингта енгил машина мамлакатимизнинг ўзида сотилган бўлса, қолган 70 мингдан зиёди автомобиль Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Украина, Белорус, Грузия,

Арманистон, Туркманистон ва Афғонистон бозорларида сотилди. Ўзбекистон мазкур давлатлар ичидаи Россияга энг кўп автомобиль экспорт қилувчи мамлакат қаторига киради. "GM Uzbekistan" ишлаб чиқарган автомобиллар Россияда 2010 йил якунларига кўра, энг харидоргир машиналар ўнлигига кирган. Европа бизнеси ассоциацияси Автоишлаб чиқарувчилар қўмитаси маълумотларида кўра, 2010 йилда қўшма корхонанинг Россия бозоридаги савдоси 2009 йилга қиёсан 45 фоизга ўсиб, 74.419 та автомобилни ташкил этган. "Нексия" энг харидоргир хорижий автомобиллар рейтингида саккизинчи (43 943 та), "Матиз" эса ўнинчи (30 479 та) ўринда қайд этилган. РФ Иқтисодиёт вазирлиги матбуот хизмати маълумотларида кўра, 2011 йилнинг биринчи чорагида Россия бозорига энг кўп автомобиль экспорт вилган мамлакатлар Япония (59,96 мингта), Германия (19,56 мингта), Ўзбекистон (18,62 мингта), Жанубий Корея (18,47 мингта), шунингдек, Буюк Британия (17,08 мингта) ҳисобланади. Кўриниб турибдики, гигант автосаноат соҳиби бўлган мамлакатлар ичида Ўзбекистон учинчи ўринни банд этган. Қувончлиси шундаки, 2011 йилнинг биринчи чорагида Россия бозорида 10 802 та "Нексия" (2010 йилнинг шу даври билан таққосланганда ўсиш – 76 фоиз) ва "Матиз" (54 фоиз) сотилди. 2012 йилнинг ярим йиллик натижаларига кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг 58,9 мингтаси ташқи бозорларда сотилди. Ялпи экспорт ҳажми пул қийматида 401,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мазкур йилнинг биринчи ярмида "GM Uzbekistan" Россия бозоридаги автомобиллар савдоси ҳажмини 2010 йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан 43 фоизга ошириб, 35 725 тага етказди. Россия бозорида олти ойлик умумий савдо ҳажмига кўра, компания тўққизинчи ўринни эгаллади. Моделлар мисолида "Нексия" 20 643 тани, "Матиз" 15 082 тани ташкил қилиб, биринчиси - 9, иккинчиси – 16- ўринларда қайд этилди(4).

Экспорт жўғрофиясини янада кенгайтириш мақсадида "GM Uzbekistan" моделлари қаторини узлуксиз янгилаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, қўшни Қозоғистон Республикасида ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларга талаб катта. Онсепто консалтинг компанияси ҳисботида келтирилишича, 2011 йил ноябрда "GM Uzbekistan" Қозоғистон бозорида жами 359 та автомобиль сотган. 2010 йил ноябрь ойидаги кўрсаткич (169 та) билан таққослаганда, ўсиш 2,12 бараварга teng. "Нексия" ушбу даврда Қозоғистон бозоридаги энг харидоргир моделлар рейтингида бешинчи ўринни, "Матиз" эса ўнбиринчи ўринни эгаллади. Компания 2011 йилда Қозоғистон бозорида 3629 та автомобиль сотиб, савдо ҳажмини 64,5 фоизга оширишга муваффақ бўлди. Яқинда Қозоғистоннинг Кустанай шахрида йирик лойиҳа ижросига киришилди. Ўзаро келишув шартномасига биноан, қўшни давлат Ўзбекистондан етказиб бериладиган эҳтиёт қисмлардан йилига 3000 та автотранспорт йиғишини режалаштирган.

Айни пайтда, "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида енгил автомобильларнинг етти модели ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 1,5 млрд.долларни ташкил қилди. Ваҳоланки, 2011-2013 йилларда Ўзбекистонда автомобилсозликни ривожлантиришга 800 млн.доллар сармоя сарфлаш кўзда тутилган эди.

Хозирда "GM Uzbekistan" корхонасида "Шевролет" ва "Равон" бренди остида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар Европанинг Россия, Беларусь, Украина, Молдова, Кавказнинг Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Африканинг Тунис, Ливия, Сенегал, Кабо-Верде, Кот-д Иувар, Гана, Нигерия, Габон, Мадагаскар, Яқин ва Ўрта Шарқнинг Ироқ, Ливан, Иордания,

Афғонистон ҳамда Марказий Осиёнинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби давлатларига экспорт қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, истиқолол йилларда унинг шарофати ўлароқ қад ростлаган миллий автомобилсозлик саноатимиз ютуқлари Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболли ривожланишининг муҳим қўрсаткичи ҳисобланади. Бинобарин, “Дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар у қадар кўп эмас. Бу мураккаб соҳа бўлиб, бошқа соҳалар билан узвий алоқада ривожланади ва умуман, мамлакатнинг ривожига катта таъсир кўрсатади...” (5).

## REFERENCES

1. Истиқолол яратган истиқбол.-Тошкент, ГНПП, Картография, 2006 й., 14-15- бетлар.
2. С.Хусанов. Миллий тараққиётимиз тимсоли.-“Халқ сўзи”, 2017
3. й., 19-июль.
4. Н.Абдуллаева. Ўзбекистонда автомобиль саноати: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболи.- Тошкент, 2018 й., 52-56-бетлар.
5. “Авто+” газетасининг 2009-216 йилги сонлари.
6. "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маъruzаси. Т., “Ўзбекистон”, НМИУ, 2012 й.
7. Методика циклов методом синтеза.2021.// Сеть конференций E3S. 6/4Том№264.-С.01033
8. Метод оценки энергоэффективности регулируемых ездовых циклов. // Обзор европейской науки, 2016 г.
9. Метод определения транспортной интенсивности в городских условиях20224/9.Том№264.- С.111-114
10. The Appeal is at the Center of Youth Issues .// Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021 Том №6.-С.-36-38
11. Method of quantitative research of navoi city on the basis of choice of traffic flow.// The Scientific Journal of Vehicles and Roads, 2021 Том №2.-С 27-36
12. Сравнительная характеристика методов оценки стандартизованного ездового цикла.// Universum: технические науки, 2020 №3-1 (72) .-С68-70
13. Методика сравнительной оценки легковых автомобилей в городских условиях с применением информационных технологий.// Технические науки. теория и практика, 2017 .-С. 29-39
14. Анализ режима работы двигателя легкового автомобиля в городских условиях движения.// эволюция современной науки, 2016.-С..24-28
15. Central Asia in Ix-xii Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development Роль натурфилософии Абу Райхана Бируни в развитии современной науки// Экономика и социум, 2020
16. Scientific and Theoretical Bases of Beruni's Natural Philosophy // JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN ..., 2022
17. Взгляд западных ученых на философию Авиценны (Абу Али ибн Сина) // Научный журнал, 2019

18. TECHNOCRATIC THEORIES AND THEIR ESSENCE // Uzbek Scholar Journal, 2022

19. CONCEPT AND CONTENT OF HUMAN RIGHTS // Uzbek Scholar Journal, 2022

20. Evolution of railway construction development in Uzbekistan: Past and prospects // AIP Conference Proceedings, 2022